

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги,  
Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги,  
Миллий гвардия, Ёшлар ишлари агентлиги  
ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий  
Кенгашининг 2024 йил “16” декабр даги  
55-919 -сон қўшма қарорига 1-илова

**Олий таълим муассасалари қошида “Қалқон” жамоатчилик  
гуруҳини ташкил этиш ҳамда фаолиятини  
такомиллаштириш тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган, Олий таълим муассасалари ташкилий ишларида фаол, муддатли ҳарбий хизматни ўтаган, аъло ва яхши баҳоларга ўқиётган, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг аъзоси, ушбу соҳага қизиқиши бўлган фидойий ёшлар ҳамда таълим муассасаларида фаолият юритаётган педагог ходимлардан иборат таркибда тузилган “Қалқон” жамоатчилик гуруҳи (бундан буён матнда — жамоатчилик гуруҳи деб юритилади) фаолиятини тартибга солади.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида 2023 йил 11 апрель куни “Ёшлар сиёсати соҳасидаги ишлар натижадорлигини ошириш ҳамда улар билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари” юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида берилган топшириқларни амалга ошириш ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия, Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг 2023 йил 28 августдаги қўшма қарорига асосан Республика олий таълим муассасаларида ташкил этилган “Қалқон” жамоатчилик гуруҳлари қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги, (*Тегшиллиги бўйича*) Талаба ва ўқувчиларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш маркази, Республика “Қалқон” жамоатчилик гуруҳлари фаолиятига қўмаклашишда ҳисобдор;

олий таълим муассасаларида белгиланган ҳудуд осойишталиги ҳамда хавфсизлигини таъминлаш;

таълим муассасасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш; аниқланган шубҳали ҳолатлар ва гумон қилинувчи шахслар ҳақида тегишли органларга тезкорлик билан хабар бериш;

ёшлар ўртасида профилактик тарғибот ва тушунтириш тадбирларини ўтказиш;

олий таълим муассасаси ва унга тегишли бўлган ҳудудларда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш;

талабаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш каби салмоқли ишларни амалга ошириб келаётганлигини ҳисобга олган ҳолда ушбу лойиҳани янада такомиллаштириш ҳамда ҳамкор ташкилотлардан келиб тушган таклифларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳар бир олий таълим муассасалари давлат (нодавлат, хорижий олий таълим муассасаларида имкониятидан келиб чиққан ҳолда) Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия, Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши билан ҳамкорликда “Қалқон” жамоатчилик гуруҳлари намунавий тарзда ташкил этилади.

3. Жамоатчилик гуруҳи ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига, шунингдек, ушбу Низомга мувофиқ амалга оширади ва жамоатчилик гуруҳи аъзолари 1 (бир) йил муддатга аъзоликка қабул қилинади.

4. Жамоатчилик гуруҳи ўз вазифаларини амалга оширишда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, Миллий гвардия ва Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчилари, Ёшлар ишлари агентлигининг тегишли маҳаллалардаги ёшлар етакчилари, “Фидокор ёшлар” жамоатчилик патруль гуруҳлари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг олий таълим муассасаларидаги бошланғич ташкилотлар етакчилари билан ўзаро ҳамкорликда ишларни ташкил этади.

5. Жамоатчилик гуруҳи аъзосининг фаолияти намунали деб топилган тақдирда бир йиллик меҳнат фаолияти, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ишга киришларида стажировка (иш жойидаги амалиёт) сифатида қаралади ва тан олинади.

6. Жамоатчилик гуруҳи аъзоларига ташкилий услубий кўмак кўрсатиш, уларни соҳага оид норматив ҳуқуқий ҳужжатлар ва Янги Ўзбекистонни барпо этишда амалга оширилаётган ислохотлар борасидаги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий жараёнлардаги билимларини бойитиб боришда олий таълим муассасалари ҳисобдор ҳисобланади.

7. Жамоатчилик гуруҳи фаолияти Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия, Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши ҳузурида ташкил этилган олий таълим муассасаларидаги “Қалқон” жамоатчилик гуруҳлари “Олий таълим муассасаси бешлиги” ҳамкорлигида фаолият юритади ҳамда уларнинг фаолиятлари бўйича Республика Ишчи гуруҳи томонидан мувофиқлаштириб борилади.

8. Жамоатчилик гуруҳи аъзолигига Республика олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган, Олий таълим муассасалари ташкилий ишларида фаол, муддатли ҳарбий хизматни ўтаган, аъло ва яхши баҳоларга ўқиётган, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг аъзоси, ушбу соҳага қизиқиши бўлган фидоий ёшлар ҳамда таълим муассасаларида фаолият юритаётган педагог ходимлардан сараланиб, ихтиёрий хоҳиши асосида қабул қилинади.

Жамоатчилик гуруҳлари аъзоси бўлган, ёш фаол педагог ходимлар ва таълим тарбия маслаҳатчиларига таълим муассасаларнинг ички имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, устама белгилаш тартибини ишлаб чиқиш ҳамда рағбатлантириб бориш чораларини кўриш.

9. Жамоатчилик гуруҳига ўзининг ҳаётий тажрибасига эга номзодлар орасидан ҳудудлар (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар)дан 1 нафардан 4 нафаргача (олий таълим муассасаларидаги энг фаол сардорлар орасидан координаторлар тайинланади) “Жамоатчилик гуруҳи сардор”лари тайинланади. Жамоатчилик гуруҳи аъзолари таълим муассасасида 20 нафардан 40 нафаргача (таълим муассасанинг контингент сонидан келиб чиқиб гуруҳ аъзолари сони оширилиши мумкин). Факультетнинг ҳар бир гуруҳида 1 нафар ўғил ёки 1 нафар қизлардан иборат бўлган “Қалқон” жамоатчилик гуруҳлар таркибида келгусида қабул қилинадиган “Ижтимоий фаол талабалар”дан ташкил топган ташаббускор, фаол талабалар гуруҳ аъзолари бўлади. Ушбу “Ижтимоий фаол талабалар” билан “Қалқон” жамоатчилик гуруҳ аъзолари биргаликда мунтазам ўз фаолиятларини олиб борадилар.

10. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раисининг жамоатчилик асосида ўринбосари сифатида фаолият юритади ва амалга оширган ишлар юзасидан ҳисоботларни раҳбариятга ҳар ой 25 санасига қадар киритиб боради.

11. Жамоатчилик гуруҳининг асосий мақсади талаба-ёшларнинг олий таълим муассасасига қарашли барча ҳудудларида (кейинги ўринларда таҳсил олиш бинолари, талабалар ётоқхоналарида ва уларнинг яшаш хоналарида) жамоат тартибини сақлаш, ижтимоий тармоқларда тарқалаётган ахборот хуружларига қарши курашиш, таълим муассасасининг ички тартиб қоидалари, “Одоб-ахлоқ кодекси” талабларига риоя этилишига кўмаклашиш, ёшларни турли ёт ғоялар таъсирига тушиб қолишларини олдини олиш, аҳолининг давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирокини кенгайтириш орқали давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишдан иборат.

12. Жамоатчилик гуруҳининг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади;

белгиланган ҳудуд осойишталиги ҳамда хавфсизлигини таъминлаш мақсадида мазкур ҳудудда доимий равишда кузатувни амалга ошириш;

белгиланган ҳудудда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш мақсадида ушбу ҳудудда аниқланган шубҳали ҳолатлар ва гумон қилинувчи шахслар ҳақида тегишли органларга тезкорлик билан хабар бериш;

олий таълим муассасаси талабалари ўртасида профилактик тарғибот ва тушунтириш тадбирларини ўтказиш;

олий таълим муассасаси ва унга тегишли бўлган ҳудудларда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, Миллий гвардия, маҳалла фуқаролар йиғини раислари, “Фидокор ёшлар” жамоатчилик патруль гуруҳларига кўмаклашиш.

жамоатчилик гуруҳининг гуруҳдаги аъзоси гуруҳ тьюторига, факультетлардан сайланган аъзоси факультет деканига, таълим муассасасидан сайланган сардор олий таълим муассасасининг ректори (директори)нинг

жамоатчилик асосида “Қалқон” жамоатчилик гуруҳлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича маслаҳатчиси вазифаларини амалга оширади;

жамоатчилик гуруҳи аъзоларига ўз фаолиятида жамоат тартибини сақлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш учун амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифалар ҳам юклатилиши мумкин.

## **2-боб. Жамоатчилик гуруҳи фаолиятини ташкил этиш тартиби**

**13.** Жамоатчилик гуруҳи фаолиятини ташкил этиш мазкур Низомнинг 1-илоvasида кўрсатилган тузилмасига мувофиқ амалга оширилади.

**14.** Жамоатчилик гуруҳи аъзолари муддатли ҳарбий хизматни ўтаган (Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши томонида контракт пулининг 35% тўлаб берилган ёшлар орасидан) фаол, фидойи талаба-ёшлар орасидан саралаб олинади.

Шунингдек, олий таълим муассасасида фаолият юритаётган педагог, ишчи ходимлар орасидан ихтиёрий равишда жамоатчилик гуруҳи аъзолигига қабул қилиниши мумкин.

Жамоатчилик гуруҳи аъзолари таълим муассасаси талабалар сонига мувофиқ 20 нафардан 40 нафаргача таълим муассасасининг контингент сонидан келиб чиқиб гуруҳ аъзолари сони оширилиши мумкин.

Факультет таркибида 1 нафар ўғил, 1 нафар қиз (2 нафар қиз ёки 2 нафар ўғил бола бўлиши ҳам мумкин) ҳар бир гуруҳда 1 нафардан аъзолари тузилиши мумкин.

Жамоатчилик гуруҳининг гуруҳдаги аъзоси гуруҳ тьюторига, факультетлардан сайланган аъзоси факультет деканига, таълим муассасасидан сайланган сардор олий таълим муассасасининг ректори (директори)нинг жамоатчилик асосида “Қалқон” жамоатчилик гуруҳлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича маслаҳатчиси вазифаларини бажаради.

Дарс машғулотлари ва оммавий тадбирларда Қалқон жамоатчилик гуруҳлари белгиланган кийимларида юришга рухсат этилади.

Жамоатчилик гуруҳ аъзолигига гуруҳ талабалари орасидан, жамоатчилик гуруҳининг йиғилишида гуруҳ сардорлари орасидан факультетга, факультет сардорлари орасидан олий таълим муассасаси сардорини овоз бериш йўли билан сайланади ва гуруҳлар фаолиятини назоратга олади.

Жамоатчилик гуруҳининг гуруҳдаги аъзоси гуруҳ тьюторига, факультетлардан сайланган аъзоси факультет деканига, таълим муассасасидан сайланган сардор олий таълим муассасасининг ректори (директори)нинг жамоатчилик асосида “Қалқон” жамоатчилик гуруҳлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича маслаҳатчиси вазифаларини бажаради.

**15.** Жамоатчилик гуруҳи аъзолари хизмат олиб бориш жараёнида ажралиб туришлари учун барча олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан белгиланган махсус мавсумий кийим-бош

ҳамда рациялар билан таъминланади ҳамда олий таълим муассасаларнинг ректор (директор)лари томонидан имзоланган гувоҳномалар берилади.

Олий таълим муассасаларининг ўз ички имкониятларидан келиб чиққан ҳолда жамоатчилик гуруҳи аъзолари орасида белгиланган тартиб асосида фаолият юритаётган ишчи-ходимлар махсус мавсумий кийим-бош ва рацияларлардан фойдаланиб боришлари мумкин.

**16.** Олий таълим муассасаси раҳбарияти жамоатчилик гуруҳининг шаклланиши ва фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароитлар яратади ва гуруҳнинг фаол аъзоларини рағбатлантириб боради.

Жамоатчилик гуруҳининг фаол аъзоларини Ўзбекистон Республикасида таъсис этилган давлат мукофотлари, кўкрак нишонлари ҳамда белгиланган тартиб асосида номли стипендияларга тавсия этиб борилади

**17.** Жамоатчилик гуруҳи ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш тадбирларида ички ишлар органлари, Миллий гвардия ва бошқа жамоатчилик вакиллари билан биргаликда фаолият олиб боради.

**18.** Жамоатчилик гуруҳи аъзоларига қонунга хилоф топшириқларни бериш, таркибида жиноят аломатлари ёки жиноятга алоқадор маълумотлар бўлган ҳамда бевосита ички ишлар органлари ваколати доирасига кирувчи топшириқ ва вазифаларни бериш, уларни давлат ва хизмат сирига эга бўлган ҳужжатлар билан таништириш таъқиқланади.

**19.** Гуруҳ сардори маҳаллий ва таълим муассасаси профилактика (катта) инспекторлари билан келишган ҳолда жамоатчилик гуруҳи аъзолари сонидан (ўғил бола, қизлар) танлашда таълим муассасалари эҳтиёжидан келиб чиқиб, уларнинг талабалар шаҳарчаси ва ётоқхона атрофларида дарсдан бўш вақтларида навбатчиликларда патруллик хизматини ташкил этади.

Жамоатчилик гуруҳлари аъзоларининг фаолият олиб бориш вақти ўқиш ва иш жараёнига салбий таъсир этмаслиги лозим.

**20.** Гуруҳ сардори профилактика (катта) инспекторлари билан келишган ҳолда гуруҳ аъзоларининг бириктирилган патруллик йўналишларида хизматга чиқиши бўйича ойлик жадвал ишлаб чиқади ҳамда туман (шаҳар) ички ишлар органлари бошлиқларининг ҳуқуқбузарлик профилактикаси бўйича ўринбосарига тасдиқлатади.

### **3-боб. Жамоатчилик гуруҳлари аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

**21.** Жамоатчилик гуруҳи аъзолари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

талабалар шаҳарчалари, ётоқхоналар, олий таълим муассасалари ҳудудларида жамоат тартиби, хавфсизлик, жамиятда юриш-туриш ва ахлоқ одоб, санитария ва экология, ёнғин ва ҳаракат хавфсизлиги қоидаларига фуқаролар (талабалар) томонидан риоя қилинмаган ҳолларда тегишли органлар билан биргаликда тушунтириш ишларини олиб бориш ва ташкил этишда қатнашиш;

фуқаролардан тегишли ҳудудда содир этилаётган ҳар қандай ҳуқуқбузарликни тўхтатишни талаб қилиш;

олий таълим муассасаси мол-мулкини асраб-авайлашга, жиҳозларни бут ҳолда сақланишини таъминлаш ва уни нобуд қилишларига олиб келмасликка;

олий таълим муассасаси томонидан тақдим этилган махсус либос масъулиятини тушунган ҳолда уни асраб-авайлаган ҳолда тоза-озода қилиб кийишга;

талабалар шаҳарчаси ҳудудида фуқаролар ўртасидаги турли низоларни бартараф этишда, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни аниқлаш ва ушлашда, ўзининг хатти-ҳаракатлари билан ҳуқуқбузарлик содир этиш эҳтимоли бўлган шахслар билан ҳуқуқий тарбиявий мазмундаги суҳбатлар ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа профилактик чора-тадбирларда бевосита иштирок этиш;

Дарсдан бўш вақтларида белгиланган ҳудудни кўздан кечириши, фаолиятини амалга ошириш мақсадида махсус формаси билан айланиб юриши;

“Қалқон” жамоатчилик гуруҳи аъзоларини олий таълим муассасаларида Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректори ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилоти етакчиси тавсиясига асосан (20-30 нафар)гача ҳар ой олий таълим муассасасининг талабаларни рағбатлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан гуруҳ аъзоларини стипендиянинг базавий миқдорига нисбатан 50 фоизгача миқдорида рағбатлантириш мумкин;

“Қалқон” жамоатчилик гуруҳининг энг фаол 30 нафар (Тошкент шаҳридан 4 нафар, Қорақалпоғистон Республикасидан ва вилоятлардан 2 нафардан) аъзоларини тегишли ҳамкор ташкилотлар билан келишган ҳолда “Мустақиллик” ва “Наврўз” байрамлари муносабати билан миннатдорчилик ёки фахрий ёрлик, ташаккурнома, тегишли ҳамкор ташкилотларнинг кўкрак нишони ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирлаш.

Таълим муассасаларининг ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, талабалар ва ҳудудлар ҳавсизлигини таъминлашда ҳамда назорат қилишда ҳуқуқ тартибот органларидан вақтли нафақага чиққан ёш собиқ ходима ва ходимларнинг тажрибасидан фойдаланиш.

Талабалар рўйхатида бўлмаган “Қалқон” жамоатчилик гуруҳ аъзолари, кўрсатилган имтиёзлардан мустасно ҳисобланади

**22.** Қуйидагилар жамоатчилик гуруҳи аъзоларининг мажбуриятлари ҳисобланади:

фуқаролар (талабалар) билан мулоқотда вазмин ва хушмуомала бўлиш;  
шахсий ҳавфсизликни таъминлаш қоидаларига риоя этиш;  
ўзининг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий билимларини ошириб бориш;  
жиноят ва ҳуқуқбузарликлар ёки бахтсиз ҳодисалар содир этилганда бу ҳақда зудлик билан ички ишлар органларига ва бошқа тегишли ташкилотларга хабар бериш;

таълим муассасасининг ички тартиб қоидалари, “Одоб-ахлоқ кодекси”га риоя этилишини талаб қилиш;

ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларига ушбу Низомда кўрсатилган вазифаларни бажаришда кўмаклашиш ва уларнинг қонуний талабларини бажариш.

**23.** Жамоатчилик гуруҳи аъзоларига ўзларига юклатилган вазифаларни бажариш вақтида қуйидагилар таъқиқланади:

шахсга нисбатан жисмоний куч ишлатиш, бирор бир ҳаракатга мажбурлаш (зарурий муҳофаа ва охириги зарурат бундан мустасно);

ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари хизмат фаолияти давомида фойдаланадиган махсус воситалар, ўқотар қуроолларни ишлатиш;

ўзини ҳуқуқ-тартибот органи ходими деб таништириш ёки уларнинг ваколатларидан фойдаланиш.

**4-боб. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия, Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда Ёшлар иттифоқининг Марказий Кенгаши ҳузурида ташкил этилган “Қалқон” жамоатчилик гуруҳлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика Ишчи гуруҳи**

**24.** Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия, Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши ҳузурида ташкил этилган “Қалқон” жамоатчилик гуруҳлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика Ишчи гуруҳи ташкил этилади.

**25.** “Қалқон” жамоатчилик гуруҳларининг Республика Ишчи гуруҳи жамоатчилик гуруҳларига методик кўмаклашади ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради.

“Қалқон” жамоатчилик гуруҳларининг раҳбари лавозимидан қатъий назар Қўшма қарорга мувофиқ фаолиятини амалга ошириб боради.

**26.** “Қалқон” жамоатчилик гуруҳлари раҳбари томонидан олий таълим муассасаларидаги жамоатчилик гуруҳи аъзолари учун Ҳарбий ватанпарварлик спорт мусобақаларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича Низом ишлаб чиқади ва Ишчи гуруҳи ўз тавсияларини тақдим этади.

**27.** “Қалқон” жамоатчилик гуруҳи аъзолари билан ўқув йили давомида 2 маротаба йиғин ўтказиш, яъни танқидий таҳлил асосида амалга оширилган ишлар якуни, шунингдек келгусида бажарилиши лозим бўлган ишлар бўйича келишиб олиш ва вазифаларни белгилаш.

**28.** Республика Ишчи гуруҳи 2 нафар, жумладан, бир нафар гуруҳ раиси (ҳамраиси) ва 12 нафар аъзолардан иборат таркибда шакллантирилади.

**29.** Республика Ишчи гуруҳи раиси (ҳамраиси) ва жамоатчилик гуруҳи сардори ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг олий таълим муассасаларидаги бошланғич ташкилот етакчиси билан бевосита ҳамкорликни йўлга қўйган ҳолда республикадаги вазиятни таҳлил қилиб, натижалари юзасидан мунтазам равишда барча мутасадди раҳбарларни хабардор қилиб бориши шарт.

## **5-боб. Яқуний қоидалар**

**30.** Таълим муассасалар бешлигининг масъул раҳбари ва тегишлилиги бўйича бириктирилган бўлимлар, талабалар ҳавсизлиги юзасидан жамоатчилик гуруҳининг амалга оширган ишлари ҳамда фаолияти бўйича ҳар ойнинг 25-санасига қадар гуруҳ сардорлари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг олий таълим муассасалардаги бошланғич ташкилот етакчиси билан биргаликда Республика Ишчи гуруҳи раиси номига маълумот киритади.

Маълумотларда амалга оширилган ишлар, гуруҳ томонидан олди олинган барча турдаги ҳуқуқбузарликлар бўйича маълумот кўрсатилиши лозим.

**31.** Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахсларга нисбатан қонун ҳужжатларига мувофиқ таъсир чоралари кўрилади.

**32.** “Қалқон” жамоатчилик гуруҳи аъзоларининг иш фаолияти асосан режа-график асосида соат 19:00дан 22:00га қадар этиб белгиланади.